

Самарадорлик янада ортади, агар шароит бўлса...

2-с.

Ўсиш нуқталар сабаб камбағаллик қисқарди

Туманда жорий йил бошида камбағаллик даражаси 15 фоизни ташкил қилганди. Ҳозир бу кўрсаткич 7,9 фоизга туширилди.



3-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Mahalla

2024 ЙИЛ
2 НОЯБРЬ,
ШАНБА

№69
(2207)

WWW.UZMAHALLA.UZ

КУН НАФАСИ

ҚАЛБДА ВАТАНПАРВАРЛИК КУЧЛИ БЎЛСА, ШИЖОАТ ЯНАДА БАЛАНД БЎЛАДИ



Фото: ЎзА.

тизимига ҳам уланган.

Ёшларга камида иккита чет тили ва битта замонавий ҳунар ўргатиш жараёни бу ерда изчил амалга оширилмоқда. Мактабда “Ватан таянчи” ҳарбий ватанпарварлик гуруҳи, “Иқтидор” клуби ташкил этилган. Таълим даргоҳида “хавфсиз мактаб” тизими ишлайди. Бунинг учун муассасага кириш-чиқишда “Face ID” дастури қўйилган.

— Илмли бўлиш, касб-ҳунар эгаллаш яхши. Қалбингизда ватанпарварлик кучли бўлса, шижоатингиз янада баланд бўлади, **— деди Президент болаларга.**

Ташриф давомида давлатимиз раҳбари “Янги Навоий” шаҳарчаси қурилиш майдонида бўлиб, нуронийлар ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

— Бугун бу ерга Навоий вилоятидаги 8 та туман, 3 та шаҳарнинг эртанги куни қандай бўлади, деган саволга жавоб топиш учун келдик. Аслида, битта рўзғорни тебратишнинг ўзи бўлмайди. Худога шукур, аҳолимиз 38 миллионга яқинлашаяпти. Бунинг учун халқимизга муносиб мустаҳкам замин яратиб боришимиз керак. Бундай янги шаҳарчаларни нима учун қураяпмиз? Ёшларимиз ўсиб келаяпти. Улар ўзи туғилиб ўсган жойида ишлаб, яхши яшаши учун ҳамма ҳудудларда шароит яратамиз, **— деди Президент.**

Президентимиз ташриф доирасида вилоятдаги ишлаб чиқариш корхоналари, саноат лойиҳалари фаолияти билан танишди, 15 та лойиҳани ишга туширишга бағишланган маросимда иштирок этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари раислигида Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Президент Матбуот хизмати ахборотлари асосида тайёрланди.

Президент Шавкат Мирзиёев 31 октябрь — 1 ноябрь кунлари Навоий вилоятига ташриф буюрди

Бугун Навоий шаҳрида бунёдкорлик жадал суръатларда давом этяпти. “Фаровон” — янги ташкил топган маҳаллалардан бири. Бу ердаги 50 дан ортиқ кўп қаватли уйда 15 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ҳудудда кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, театр ва меҳмонхоналар, боғча ва мактаблар барпо этилган.



Давлатимиз раҳбари шу ердаги 22-умумтаълим мактабида бўлди. 1 минг 800 нафарга яқин ўқувчи таълим-тарбия олаётган бу муассаса ўтган йили қурилиб, фойдаланишга топширилган. Барча синфхоналар, лаборатория, компьютер ва хорижий тил хоналари, спорт зали, футбол майдони, ошхонада замонавий шароитлар яратилган. Кутубхона 3 мингдан ортиқ китоблар билан таъминланиб, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона

БУГУНГИ СОНДА:

Манзилли чора-тадбир ва мақсадли ҳаракат бор

Туманда ишсизликнинг олдини олиш, камбағалликни қисқартириш борасида ўзига хос тажриба яратилган. Йил бошидаги хатловда 118 минг 626 нафар ишсиз рўйхатга олинганди. Бугунгача 20 минг 593 нафари ишли бўлди. Қувонарлиси, йилдан-йилга ишсизлик даражаси камайиб бормоқда. Ўтган йили бу рақам 8,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2024 йил 1 январь ҳолатига 6,5 фоизга пасайди.

2-с.

Ҳеч бир ёш муаммоси билан ёлғиз қолмайди

“Ҳудудлар имконияти ва шароитидан келиб чиқиб, йигит-қизлар тадбиркорликка, деҳқончиликка, чорвачиликка жалб этиляпти. Тумандаги ҳар бир ёшнинг ўз йўлини топиб кетиши, иқтидорини юзага чиқариши, ўз муаммоси билан ёлғиз қолиб кетмаслигида ўзимизни масъулиятли сезамиз. Шу масъулият ҳисси билан ишлаб, аҳоли, айниқса, ёшлар розилигига эришиш — асосий мақсадимиздир”.

4-с.

“Маҳалла еттилиги”: қамров кенг, ҳаракат аниқ

Тан олиб айтиш керак, муаммоларни бирданига ҳал қилишнинг имкони йўқ. Бироқ бу борада манзилли ишлаш тизими яратилди. Агар бундан бир неча йиллар олдин фуқаролар дардини кимга айтишни билмай, ўзи билан ўзи овора ҳолатда қолиб кетган бўлса, бугун ўз муаммоларига ечим топиш имконига эга бўлмоқда.

5-с.

Яхшиликни билмай туриб, жиноятга қўл урди

– Дўстим, биласан, учта ёш болаларим бор. Мардикорликда ишлаб, косам оқаргани йўқ. Ёрдамингни аямасанг. Бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан автомашина топиб берсанг, киракашлик қилиб, рўзғоримни тебратсам. Йўқ, дема! Яхшилигингни бир умр унутмайман. – Биламан, ҳозир ҳаммага қийин. Мен сўраб-суриштирай. Топганим заҳоти сенга қўнғироқ қиламан, – деди синфдоши.

6-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

ҚУЛАЙЛИК

ЙИЛ ЯКУНИГАЧА 680 ТА МАҲАЛЛА ЯНГИ БИНОДА ИШ БОШЛАЙДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фуқаролар йиғинлари моддий-техник базасини яхшилаш бўйича барча маҳаллаларда хатлов ўтказди.



Январь-сентябрь ойлари давомида 250 та маҳаллага янги бино қурилди, 392 таси жорий, 79 таси капитал таъмирланди, 59 таси реконструкция қилинди. 2 755 тасига компьютерь техникаси, 1 478 тасига принтер жамланмаси, 1 530 тасига мебель жиҳозлари тақдим этилди, 263 та маҳалланинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. Айни пайтда 211 та маҳаллага янги бино қурилмоқда, 83 таси жорий, 34 таси капитал таъмирланяпти, 42 таси реконструкция қилинмоқда.

Йил якунига қадар 472 та маҳалла биноси, шундан Уюшма кўмагида 208 та, туман (шаҳар) ҳокимликлари ташаббуси билан 208 та ва ҳудудий сектор раҳбарлари ёрдамида 56 таси қурилади.



Ўзгаришлар қоғозда эмас, амалда юз бер-сагина натижа-га эришамиз

7-саҳифада.

Ажралишни бирлашиб, бартараф этиш мумкин

8-саҳифада.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти жамоасига байрам табриги йўллади.



Президент Навоий шаҳридаги “UZBEKISTAN HYDROGEN PEROXIDE” қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.



Давлатимиз раҳбари Кармана туманида барпо этилаётган кимёвий маҳсулотлар ТЕХНОПАРКИНИ БОРИБ КЎРДИ.

ТАКЛИФ

Самарадорлик янада ортади, агар шароит бўлса...

Маҳаллада янги иш ўринларини яратиш ҳисобига камбағалликни қисқартиришга эришяпмиз. Жорий йил бошида 72 нафар ишсиз фуқаро аниқланганди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида уларнинг 40 нафари ишга жойланди. 18 нафари ўзини ўзи банд қилди. Беш нафарига имтиёзли кредит, икки нафарига субсидия ажратилди.

Жасур ТОЖИБОЕВ, Норин туманидаги “Яшик” маҳалласи раиси.

Шу кунларда имкониятимиз янада кенгайди. Боиси ҳудудда жойлашган “XINYUAN” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона мошни қайта ишлаш ва экспорт қилишни кенгайтириш лойиҳасини ишга туширди. Хитой давлатидан янги дастгоҳ олиб келиб, ўрнатилди. Бугунги кунда корхона мош маҳсулотини фермер ва томорқа эгаларидан қабул қилмоқда. Бу орқали аҳоли даромади ошишига эришиляпти. Биргина октябрь ойи давомида 2 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Мавсум давомида 10 млн. долларлик маҳсулотни хорижга сотиш режалаштирилган.

Фуқароларга зарур шарт-шароит яратиш, кундалик ва маиший, коммунал ҳамда инфратузилма билан боғлиқ вазиятни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ички йўллар асфальтланди. Ичимлик ва оқова сув билан боғлиқ муаммо кузатилмайди. Бугуннинг долзарб масаласи ҳисобланган электр таъминотини яхшилаш мақсадида Гулзор кўчасидаги симёғочлар ўрнига 35 дона таянч устун ўрнатилди. Йил якунигача тармоқ тортилиб, эски трансформатор янгисига алмаштирилади.

Ўсиш нуқтамиз — деҳқончилик ва чорвачилик. Шу боис томорқадан самарали фойдаланишга эришяпмиз. Барча хонадон эгалари рўзғор учун зарур маҳсулотни бозордан сотиб олмайди. 32 та хонадонда иссиқхона ташкил этилган. Бундан ташқари, 4 та эҳтиёжманд оила қуёнчиликни йўлга қўйган. Икки нафар ишсиз хотин-қизга субсидия асосида қандолатчилик ускунаси олиб берилди. Натижада улар ўзини ўзи банд қилиб, яхши даромад топмоқда.

“Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги Президент фармони асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ишлаб чиқилди. Қайта хатлов ўтказиб, оилаларнинг ижтимоий ҳолати ўрганилди. Унга кўра, 5 та камбағал оила портрети шакллантирилди. Нимага эҳтиёжи борлиги аниқланди. Хонадонлар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлимига бириктирилди.



Жиноятчиликка қарши курашиш — давлат ва жамият олдида турган муҳим масала. Зеро, маҳалла тинчлиги — барака ва ривожланиш омилидир. Ҳеч шубҳасиз, ижобий ўзгаришлар асосида маҳалланинг тинчлиги ётибди. Ўтган йили 1 та жиноят содир бўлганди. Жорий йил жиноятчиликдан холи ҳудуд сифатида “яшил” тоифага киритилдик.

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, аҳоли муаммолари билан ишлаш осонлашди. Ҳар бир йўналишга масъул бириктирилди. Самарадорлик янада ортиши учун имкониятимиз бор. Аммо ходимларга шарт-шароит етишмайди. “Еттилик” мослаштирилган, таъмирталаб бинода фаолият олиб бормоқда. Шунинг учун йил бошида масъулларга муаммо ечими бўйича давлат-хусусий шериклик асосида 2 қаватли замонавий бино қуриш таклифини билдирдим. Фикрим инобатга олинса, биринчи қават маҳалла фуқаролар йиғинига берилса, иккинчи қаватда тадбиркорлик корхонаси ташкил этилади.

САРҲИСОБ

Манзилли чора-тадбир ва мақсадли ҳаракат бор

Туманда ишсизликнинг олдини олиш, камбағалликни қисқартириш борасида ўзига хос тажриба яратилган. Йил бошидаги хатловда 118 минг 626 нафар ишсиз рўйхатга олинганди. Бугунгача 20 минг 593 нафари ишли бўлди. Қувонарлиси, йилдан-йилга ишсизлик даражаси камайиб бормоқда. Ўтган йили бу рақам 8,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2024 йил 1 январь ҳолатига 6,5 фоизга пасайди. Йил якунида 5,5 фоизга тушишига эришмоқчимиз.

Равшан ТЎРАҚУЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона шаҳар бўлими бошлиғи.



Бу натижага эришиш учун 27 минг 568 та янги иш ўрни яратилиб, эҳтиёжманд оила вакиллари ҳамда меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар ишга жойланди. Уларнинг 874 нафари ёшлар бўлса, 1 минг 126 нафари хотин-қизлар. Жорий йилнинг шу давригача ҳоким ёрдамчилари кўмагида 300 нафар фуқарога имтиёзли кредит, 90 нафарига субсидия ажратилди. Бунинг ҳисобига 416 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Биргина “Сайхунобод тажрибаси” асосида икки мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Етти гектар ер майдонида “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида 60 нафар фуқаро даромадли бўлди. 375 та томорқа ер эгаларига 33 млн. сўмгача имтиёзли кредит ажратилди. Хонадонларда 4 минг 169 та иссиқхона ташкил этилди.

“Хорижга иш — маҳалладан” тамойили бўйича “маҳалла еттилиги” ҳамкорликда яхши натижага эришмоқда. Йил бошида рўйхатга олинган 8 минг 600 нафар мигрантнинг 6 минг 14 нафари ватанга қайтди. Уларнинг барчаси доимий ишга жойланиб, ўзини ўзи банд қилди.

“Маҳалла еттилиги” ҳамда Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари ҳамкорлиги натижасида ажралишларнинг олди олинмоқда. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ажралишлар 204 тага камайди.

Ҳар бир мурожаат ортида битта ва ҳатто бир нечта тақдирлар мужассам. Шу боис фуқаролар мурожаати белгиланган муддатда, сифатли ижро этилмоқда. 2024 йил давомида 397 та мурожаат келиб тушган бўлса, 308 таси қаноатлантирилди.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш мақсадида аҳолини китобхонликка жалб этиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маданият ва санъатга ошно қилиш, унутилиб кетаётган миллий қадриятлар ва анъаналаримизни оммалаштиришга эътибор беряпмиз. Ҳар бир маҳаллада манзилли чора-тадбирлар белгилаб олганмиз. Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш йўналишида 138 маротаба, тўй, маърака ва маросимларни, миллий қадриятларга мос равишда ўтказилиши юзасидан 63 маротаба давра суҳбати ўтказилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, маҳалла халқимиз ишонадиган, суянадиган масканга айланмоқда. Мақсадимиз — аҳолини рози қилиш, фаровон турмуш кечиришлари учун қулай шароит яратишдан иборат.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Наргиза ЙЎЛДОШЕВА. Наманган шаҳри:

— Мен ёлғиз онаман. Фарзандим билан ижара асосида яшайман. Ҳозирда моддий қийинчиликка учраганим боис ижара тўловини тўлай олмаяпман. Шу вазиятда маҳалладан ёрдам сўрасам бўладими?

“МАҲАЛЛАДАН ЁРДАМ СЎРАСАМ БЎЛАДИМИ?”



Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлиги медиа маркази раҳбари:

— Албатта, бўлади. Маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, фуқароларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари “хонадонбай” ҳамда уларнинг мурожаатларига асосан ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари раислари ва хотин-қизлар фаоллари тураржой учун ижара компенсациясини тўлаб бериш бўйича талабнома шакллантиради.

Бунинг учун сиз “Аёллар дафтари”га кирган бўлишингиз керак. Шу мезон асосида мазкур маблағ сектор раҳбари хулосаси асосида белгиланган тартибда тўлаб берилади.

Бу жараёнда тураржой ижараси тўғрисидаги шартнома уч томонлама — ижарага берувчи, ижарага олувчи ва туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ўртасида тегишли йилнинг сўнгги кунигача бўлган муддатга тузилади.

Тураржой ижараси учун тўловларнинг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача бўлган қисми “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Тураржой ижараси учун тўловлар ижарага берувчига тўғридан-тўғри тўланади.

Эслатиш керакки, "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар ва уларнинг бирга яшайдиган оила аъзолари бошқа дастурлар доирасида, ҳомийлик ёки бошқа маблағлар ҳисобидан уй-жой билан таъминланган ёхуд уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича ижтимоий ёрдам (кўмак) олган ёки имтиёзлардан фойдаланган ҳолларда компенсация ажратилмайди.

Компенсация тўлаб турилган даврда уй-жой билан таъминланган ёки ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизларга янги тураржойга кўчиб ўтган ойдан бошлаб кейинги ойнинг биринчи санасидан ижара компенсацияси тўхтатилади. Мазкур тартиб ажратилган тураржой яшаш учун шароити мавжуд бўлган ҳолда хотин-қизлар томонидан кўчиб ўтиш рад этилган тақдирда ҳам қўлланилади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ташаббус лойиҳага, лойиҳа таклифга, таклиф амалий ишга айланди

Маҳаллаларда “Ташаббусли бюджет”нинг 2024 йилги икки мавсумида ғолиб бўлган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давом этянти. Хусусан, бу борада Бухоро вилоятида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.

Муҳриддин РОЗИҚОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бухоро вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

Жондор туманидаги “Алели” маҳалласида шу вақтгача ёшларнинг спорт билан шуғулланиши, бўш вақтини мазмунли ташкил этиши учун етарли шароит мавжуд эмас эди. Шу боис маҳалла аҳли ўзаро бирлашиб, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига ҳудудда спорт майдончаларини бунёд этиш лойиҳасини киритишди. Йиғин ёшларининг фаоллиги, аҳоли ҳамжиҳатлиги эвазига улар киритган таклиф энг кўп овоз тўплаб, туман миқёсида ғолиб бўлди.

Шундан сўнг, қисқа фурсатда лойиҳани амалга оширишга киришилди. Натижада бугун ҳудудда сунъий қопламали мини-футбол стадиони, волейбол, баскетбол майдончалари қуриб битказилди. Шунингдек, “Стреет воркоут” — кўча спорти ҳамда болалар майдончалари барпо этилди.

— Бунёдкорлик ишлари сабаб маҳалламиз кундан-кунга чирой очяпти, ***— дейди алелилик меҳнат фахрийси Аҳмад Бўронов.*** *— Лойиҳада ғолиб бўлгач, спорт майдонлари қуриш учун 1 миллиард 219 миллион 900 минг сўм маблағ ажратилди. Ўйлайманки, келажак авлодни жисмонан чиниқтириш, спортга бўлган қизиқиши ва интилишини қўллаб-қувватлашда мазкур ташаббуснинг ўрни беқиёс.*

Спорт майдонларини топшириш маросимида туман ҳокими ва сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этишди.



Шофиркон туманидаги “Арабхона” маҳалласида янги трансформатор ўрнатилди. Йиғиннинг Чиғилбак қишлоғида электр энергияси таъминотида муаммолар кузатиларди, мавжуд 100 кВт. соат қувватга эга трансформатор эскириб, яроқсиз ҳолга келганди. Эндиликда янги ўрнатилган 160 кВт. соат қувватли трансформатор истеъмолчилардан тушаётган қўшимча юкламаларни бартараф этиш имконини беради. Негаки, бу ўзгариш натижасида 90 та оиланинг паст кучланишли электр энергияси билан боғлиқ муаммолари тўлиқ ҳал қилинди.

Тумандаги 4Н 246 “Болтабой — Қўнғиртепа — Чуруқ” автомобиль йўли чўл ҳудудига тўғри келади. Чуруқ овулига олиб борувчи маҳаллий аҳамиятдаги мазкур йўлнинг 14-20 километрини жорий таъмирлаш ҳамда 4 858 метр узунликдаги қопламага асфальт ётқизиш ишлари олиб бориляпти. Албатта, бу таъмирлаш ишлари йўловчиларга қулайлик яратиш, йўлнинг хавфсизлигини ошириш ва ҳаракатланиш сифатини яхшилашга хизмат қилади.

300 нафар аҳоли дардига малҳам топилди

Фарғона вилоятининг анклав ҳудудида жойлашган “Чўнғара” маҳалласида аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш даражасини яхшилашга эътибор қаратилиб, муаммолар тизимли ҳал этилмоқда.



Куни кеча маҳалла аҳолиси билан сайёр қабул ташкил этилиб, 22 нафар фуқаронинг мурожаати тингланди. Шу ернинг ўзида 5 таси ижобий ечим топди, қолганлари бўйича масъулларга топшириқ берилди.

Оилавий шифокорлик пунктида қишлоқ аҳолиси учун малакали шифокорлар иштирокида тиббий кўрик ташкил этилиб, кўрикдан ўтган 300 нафар фуқаронинг 12 нафарига туман ва вилоят шифохоналарида даволаниш учун йўлланма, 98 нафарига бирламчи тиббий санитария муассасаларида амбулатор даволанишга тавсия ҳамда 80 нафар эҳтиёжманд фуқарога бепул дори-дармон воситалари тарқатилди. Маҳаллага тоза ичимлик сув тортиш мақсадида сув минораси олиб келиниб, ўрнатиш ишлари бошланди.



Шавкат Мирзиёев Навоий шаҳридаги САНОАТ ЗОНАСИда бўлиб, вилоятдаги саноат корхоналарининг маҳсулотлари ва салоҳияти билан танишди.



Президент “ЯНГИ НАВОИЙ” шаҳарчасининг қурилиш майдонида бўлиб, нуроний ва зиёлилар билан мулоқот қилди.



Давлатимиз раҳбари Навоий шаҳридаги 22-сон умумтаълим МАКТАБИДА БЎЛДИ.

ТАҲЛИЛ

Ўсиш нуқталар сабаб **камбағаллик қисқарди**



Мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ислоҳотлар натижаси туманимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Йил бошидан буён тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда 18 минг 693 нафар аҳолининг доимий бандлиги таъминланди.



Зоҳиджон УСМОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Ғаллаорол тумани бўлими бошлиғи.

Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор, Ғиждувон туманлари тажрибасини татбиқ этиш ҳисобига ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга эришдик. Бундан ташқари, ўсиш нуқтаси орқали аҳоли даромади ошмоқда. Туманда 35 та маҳалла бўлиб, 2 таси саноат, 10 таси савдо ва хизмат кўрсатиш, 23 таси қишлоқ хўжалигига ихтисослашган.

“Сайхунобод тажрибаси” асосида “хонадонбай” иш ташкил этиб, 30 та оилага молиявий кўмак кўрсатилди. Етакчи тадбиркорлар ёрдамида томорқадан юқори даромад олиш йўлга қўйилди. Биринчи ва иккинчи босқичда танлаб олинган 402 та хонадонга 8,2 млрд. сўмлик молиявий кўмак берилди. Бунинг эвазига 82 та хонадонда 2 ва 3 сотихли иссиқхона қурилди. Бундан ташқари, 5 минг 460 бош парранда, 115 бош қорамол, 1 минг 157 бош қўй ва эчки, 40 бош қуён, 81 қути асалари уяси, 60 та тикувчилик дастгоҳи берилиб, 98 та бошқа турдаги ёрдам кўрсатилди. Натижада 600 нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

“Сарбозор” маҳалласида яшовчи Наргиза Санаева 30 млн. сўм кредит маблағига хонадонида 3 бош қорамол, 50 бош парранда боқиш ҳамда қўзиқорин етиштиришни йўлга қўйди.

“Маданият” маҳалласида яшовчи Эркин Ҳабибуллаев 20 млн. сўм кредит маблағи олиб, томорқасида 2 сотихли иссиқхона ташкил этди, чорвачиликдан юқори даромад топмоқда.

“Уйчи тажрибаси”ни ривожлантириш орқали 13 минг 295 нафар аҳоли бизнесга жалб қилинди. Ҳар бир маҳаллада жами 970 та микролойиҳа амалга оширилиб, икки минг нафардан зиёд аҳоли ишли бўлди. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 3 минг 571 нафар талабгорга 58 млрд. сўм кредит берилди. “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида 4 та намунали лойиҳа амалга оширилди. Касбга тайёрлаш марказлари орқали 515 нафар ишсиз фуқаро касб-ҳунарга, 684 нафари тадбиркорликка ўқитилди.

“Ғиждувон тажрибаси”га кўра, 13 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Бу орқали 525 та иш ўринлари яратилади. Бугунги кунда 8 та кичик ишлаб чиқариш лойиҳаси амалиётга жорий этилди.

“Зарбдор” тажрибаси бўйича туманни ривожлантиришга туртки берадиган 5 та “драйвер” лойиҳа танлаб олинган. Ҳозиргача 16,6 млрд. сўмлик иш бажарилди. Лойиҳалар тўлиқ ишга тушгач, 325 та иш ўрни пайдо бўлади.

Туманда жорий йил бошида камбағаллик даражаси 15 фоизни ташкил қилганди. Ҳозиргача 3 минг 123 нафар оила камбағалликдан чиқарилди. Мос равишда кўрсаткич 7,9 фоизга туширилди.

Президент ташаббуси билан янги тизим асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ишлаб чиқилди. “Маҳалла еттилиги” қайта хатлов ўтказиб, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганди. Энг оғир тоифадаги 314 та камбағал оилага 63 нафар сектор, вилоят ва ташкилот раҳбарлари бириктирилди.

Ҳозиргача 28 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Икки нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, олти нафарига 45 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди, 77 нафарига ижтимоий нафақа тайинланди.

Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида маҳаллалар ишсизликдан холи, камбағаллик даражаси паст ҳудудга айланиб бормоқда. Зотан, ҳаракатларимиз замирида халқимиз осойишталиги, саодатли ҳаётини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Муҳими, ҳеч ким эътибордан четда қолмаяпти, ўз муаммоси билан ёлғиз ташлаб қўйилмаяпти.

ТАЖРИБА

Томорқадаги кўп йиллик тажриба мўл даромад келтиряпти

Жорий йил бошида ўтказилган хатловда 26 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинганди. Олиб борган ҳаракатларимиз натижасида 20 нафарининг бандлиги таъминланди.



Нодирбек НАЖМИЕВ,
Пешку туманидаги “Садир” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Деҳқончиликка қизиқувчи 147 нафар фуқарога “E-auksion” платформаси орқали ер берилди. 26 нафари “Темир дафтар”га киритилиб, уларга субсидия ажратилди. 76 нафари тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит ажратилиши ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, бандлиги таъминланди.

Деҳқончилик — асосий “драйвер”имиз. Аҳолининг иссиқхона шароитида кўп йиллик тажрибаси бор. Барча хонадонларда томорқадан даромад олиш ривож топган.

Хатлов жараёнида Аброр Мавлонов шароитини ўргандик. Ўзаро суҳбатда у икки фарзандига ер сўради. Мурожаати ижобий ечилди. Оилага 46 сотих ер ажратилди. Бундан ташқари, тавсия асосида 100 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Бугун ана шу майдоннинг 23 сотихида иссиқхона ташкил этиб, оила бандлиги таъминланди. Дастлабки йилда биринчи экинга экилган бодрингдан 40 миллион сўм даромад топилди. Иккинчи экинга помидор етиштирилмоқда.

Маҳаллада бирон қарич бўш ер кўрмайсиз, томорқасида ихчам иссиқхонаси бўлмаган хонадоннинг ўзи йўқ. Бу ерда барча доимий меҳнат билан банд.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида амалий ишлар олиб борилмоқда. Мавжуд имконият ва ресурслардан самарали фойдаланиб келяпмиз. “Еттилик” билан биргаликда, аввало, камбағалликнинг сабабини ўрганиш ва уни бартараф этиш чораси кўрилмоқда.

Янги тизим асосида маҳаллада яшовчи кам таъминланган, кўмакка муҳтож оилалар қайта хатловдан ўтказилди. Йил бошида 88 нафар камбағал оила аниқланган эди. Ўтган вақт мобайнида уларга зарур ёрдам берилди. Натижада 36 нафари даромадли ишга жойланиб, камбағалликдан чиқарилди.

“Хорижга иш — маҳалладан” тамойили асосида хорижда меҳнат қилаётган 278 нафар мигрант билан доимий алоқани йўлга қўйдик. Қизиқиши, муаммо ва таклифи ўрганилди. Ўз навбатида уларни ватанга қайтариш чораси кўрилди. Ҳозиргача 113 нафари оиласи бағрига қайтиб, ишга жойланди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда кечаётган ислоҳотлар самараси, ўзгаришлар маҳаллада акс этмоқда. Аҳоли яшаш шароити яхшиланиб, даромади ошиб бормоқда.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Иссиқхонада бодринг қандай парваришланади?

Бодрингнинг барча тури тик сўриларда етиштирилади. Кўчати экилгандан 3-4 кундан кейин (уруғ тупроққа экилганда эса 3-4 та барг ҳосил бўлгач), ўсимлик помидордаги каби канop ип билан боғланади.



Шуҳрат ОТАЖОНОВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

“Партенокарпик” гибрид турини етиштиришда оралиғи 1,6 метр бўлган ҳар бир қаторнинг устида баландликлар оралиғи 50 см.ли иккита горизонтал сим сўри тортилади. Ўсимлик шохи ўнг ва чап сўрига оралатиб боғланади. Натижада боғланган ўсимликлар V шаклидаги қаторни ҳосил қилади. Кейинчалик ҳафтасига камида бир марта каноп ипга ўралади, учи эркин ҳолатда қолдирилади.

Бодринг ўсимлигини парваришлашда поясини шакллантириш асосий тадбирлардан ҳисобланади. Асаларилар ёрдамида чанглатиладиган навлари ва гибридларининг марказий бўғимларида кўпроқ эркаклик, ён бўғимларда аёллик типидаги гул ҳосил бўлади. Шаклланиш жараёнида, 3-4-барглардан юқоридаги аёллик типидаги гулларнинг ғунчаси ва ён новда олиб ташланади. Бу тадбир 2-3 марта такрорланади. Поянинг ярим баландлигида шаклланган кичик новдачалар иккинчи баргдан сўнг, юқоридагилари учинчи баргдан сўнг боғлаб қўйилади. Ҳосил бериб бўлган, эски ва касал новдачалар кесиб ташланади. Марказий новданинг учи сим сўрига тортиб, боғланади. 1-2 та энг юқори ён новдаси осилтириб қўйилади. Улар ҳам кейинчалик жўякдан 1 метр баландликда боғланади.

Ён новдаларнинг сўри устидаги биринчи, иккинчи бўғимларидаги барглар олиб ташланади. Шунда улар асосий поядаги барглари тўсиб қўймайди. Шу каби охирги барг бандидаги новда ҳам олиб ташланади. Чунки улар қўшни пояларга соя беради. Ёнма-ён жойлашган ўсимликнинг ўртасида жойлашган қўшни баргларнинг иккита бандидаги новданинг бири қолдирилади. Бу тадбир ёруғликдан унумли фойдаланишга имкон беради.

ТАЖРИБА

“Сайхунобод тажрибаси” бандликка асос бўляпти

Маҳаллада ишсизликнинг олдини олишда “Сайхунобод тажрибаси” жорий этилгани яхши самара берянти. Хонадонларда томорқадан фойдаланиб, чорвачилик, паррандачиликдан юқори фойда олишга эришилмоқда. Асосий “драйвер”имиз — деҳқончилик. Йил бошидаги хатловда 68 нафар ишсиз фуқаро аниқланганди. Бугунги кунда барчасининг бандлиги таъминланди.

Комила ЖУМАНАЗАРОВА,
Ўрта Чирчиқ туманидаги “Юқориовул” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Сайхунобод ва Уйчи туманлари тажрибаси асосида маҳалладаги 6 та хонадонга имтиёзли кредит, субсидия ажратилиб, ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Шу билан бирга, уларга “TIKA” ташкилоти кўмагида мотокультиватор, ем майдалагич, қишлоқ хўжалиги ускунаси, дорилаш насоси, 2 сотихли иссиқхона ва уни иситиш тизими тақдим этилди.

Яратилган имконият натижасида Азиз Ўролов томорқасидан унумли фойдаланиб, йилига 4 марта ҳосил олмоқда. Даромад шунга яраша — 50-60 миллион сўмни ташкил этяпти. Шунингдек, турмуш ўртоғи Мунира Ўролова 2024 йил март ойида имтиёзли кредит асосида тикув



машинаси олиб, ўзини ўзи банд қилди. Кунига 5 тагача куйлак тикиб, даромад топмоқда. Маҳалладагиларга кийим-кечакларни ўртача 80 минг сўмдан сотади.

Камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борган ишлар натижасида 10 та оиланинг 5 таси бу тоифадан чиқарилди. Икки нафарига ер берилди. Шу орқали ўзини ўзи банд қилди. Яна иккита оилага имтиёзли кредит ҳисобига иссиқхона қуриб берилди.

Хусусан, эҳтиёжманд оила вакили Шаҳноза Ҳайитова хонадонида иссиқхона қурилиб, ўзи ишга жойланди. Натижада оила камбағалликдан чиқди. Дастур асосида 5 та оила билан индивидуал иш олиб боряпмиз. Улардан бири Ғаффор Юсупов. Уни доимий ишга жойладик. Бундан ташқари, субсидия асосида томорқасида иссиқхона қуриб берилди.

Хорижга ишлаш учун кетган 27 нафар фуқаро билан доимий алоқани йўлга қўйганмиз. Ҳафтада онлайн мулоқот олиб боряпмиз. Бунинг натижасида миграциядагиларнинг 9 нафари оиласи бағрига қайтиб, доимий ишли бўлди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Тадбиркорга имтиёз бор...

Фазлиддин ҲАСАНОВ.
Шовот тумани:

— Тадбиркорман. Агар ўзимга тегишли корхонага жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилсам, имтиёз борми?

Музаффар АБДУРАҲИМОВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги масъул ходими:

— Ҳа, бор. “Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айрим тоифаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, 2023 йил 1 октябрдан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга ҳар бир шахс учун 3 ойдан ортиқ муддатда меҳнат фаолиятини давом эттирган-дан сўнг базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдорида бир марталик субсидия ажратилади.

Бу жараёнда иш берувчи субсидия учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади.

Мурожаатда ишга қабул қилинган жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш берувчининг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисоб варағи кўрсатилиши, шунингдек, мурожаатга жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахснинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси илова қилиниши шарт.



Президент “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 75 йиллиги муносабати билан ишлаб чиқариш илғорларини МУКОФОТЛАДИ.



“Навоий давлат университетини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар таркиби деярли 60 ФОИЗГА ЯНГИЛАНДИ, илк бор уларга 141 нафар ногиронлиги бор шахс сайланди.

ТАҲЛИЛ

Ҳеч бир ёш муаммоси билан ёлғиз қолмайди



Деҳқонобод туманида ёшлар сони 86 минг 103 нафарни ташкил этади. Маҳаллаларда 39 минг 665 нафар ёш бўйича “Ёшлар баланси” шакллантирилди. Улар “қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифаларга бўлиб олинди. Шунингдек, “огир” тоифадаги 453 нафар ёшга 36 нафар раҳбар масъул этиб тайинланди. Йигит-қизлар билан учрашувлар натижасида 158 нафар ёшнинг муаммоси ўрганилиб, уларнинг 95 фоизига турли ижтимоий-иқтисодий кўмак кўрсатилди.



Баҳодир ОМОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Деҳқонобод тумани бўлими бошлиғи.

Тумандаги 18 минг 827 нафар йигит-қиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 54 нафар ходимига бириктирилиб, секторлар кесимида тақсимланди. Улар билан ишлаш учун 90 нафар масъул ходим жалб қилинган. Оталиққа олинган ёшларнинг дунёқарашини ўзгартириш орқали ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиб, 2 минг 785 нафарининг ижтимоий ва маиший муаммолари ижобий ҳал этилди.

Жиноятчиликка мойиллиги бўлган уюшмаган ёшлар 10 та тоифа бўйича “маҳалла етти лиги” ҳамкорлигида хатловдан ўтказилиб, 205 нафар ёшнинг рўйхати шакллантирилди. Мазкур тоифадаги ёшларга тумандаги ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари ҳамда ҳарбий қисм командирларининг кўз-қулоқ бўлиши тайинланди. Улар билан манзилли ишлар ташкил этилиб, шу кунга қадар 168 нафар ёшнинг муаммоларига ечим топилди.

“Миграция баланси” туманда 3 та йўналишда, хусусан, хорижда ишлаш истагини билдирган, чет давлатда бўлиб турган ва миграциядан қайтган фуқаролар билан мулоқот қилиш орқали шакллантирилди. Бу жараёнда 161 минг 50 нафар аҳоли орасидан 4 минг 201 нафари билан суҳбатлашилиб, хорижга кетиш сабаблари ўрганилди. Хатлов натижасида миграцияга кетиш истагини билдирганлар – 128 нафарни, миграциядагилар – 2 минг 890 нафарни, миграциядан қайтиб келганлар – 1 минг 183 нафарни ўз ичига олди. Қонуний ва хавфсиз меҳнат миграциясини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Alabuga development” эркин иқтисодий зонасига бориш истагидаги 100 нафар фуқаро маълумотлари шакллантирилди. Шу кунга қадар 5 нафар фуқаро хорижга жўнатилди. Яқинда яна 30 нафари юборилади.

Ишсиз ёшлар ҳамда битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича Бандлик дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан, 1 минг 326 нафар ишсиз аҳоли ишга жойлаштирилди. Ёшларнинг ўқишга бўлган қизиқиши ва интилишлари ҳақида сўз кетганда, жорий йилда таълим муассасаларини тамомлаган 3 минг 531 нафар битирувчи ёшнинг 823 нафари олий-гоҳларда ўқишни давом эттиряпти, 1 минг 693 нафарининг бандлигини таъминлаш чоралари кўриляпти.

Ўтган давр мобайнида “Ёшлар дафтари”га 824 нафар йигит-қиз киритилиб, 566 нафарига ёрдам кўрсатилди. Йил якунига қадар 258 нафар ёшга моддий-маънавий кўмак кўрсатиш режалаштирилган.

Бу йил “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги тадбирларда иштирок этиш учун 30 минг 15 нафар йигит-қиз онлайн рўйхатдан ўтди. Шу кунга қадар вилоят миқёсидаги танлов ҳамда лойиҳаларда 4 нафар ёш биринчи ўринни, 5 нафари иккинчи ўринни қўлга киритди. Жами 27 та лойиҳанинг 26 та тури бўйича туман босқичи якунланди. Яқинда волейбол бўйича ўтказилган вилоят босқичида “Оқиртма” маҳалласи ёшлари биринчи ўринни қўлга киритиб, Республика финал босқичида Қашқадарё вилояти шарафини ҳимоя қилади. Айтиш керакки, ўтган йили ҳам мазкур маҳалла ёшлари Республика босқичида иккинчи ўринни эгаллаганди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга депутатлик сайловларида 18-30 ёшдаги 30 минг 150 нафар йигит-қиз иштирок этди. Унда 1 минг 905 нафар ёш биринчи маротаба овоз берди. Шуниси қувонарлики, туман маҳаллий Кенгаши депутатлигига 3 нафар маҳалладаги ёшлар етакчиларининг номзоди қўйилди.

Хорижий тилларни ўрганишга бўлган иштиёқ йигит-қизлар орасида кун сайин ортиб бормоқда. “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси орқали 7 минг 463 нафар ёш 25 га яқин хорижий тилларни бепул ўрганмоқда. Туман миқёсида хорижий тилларни мобиль илова орқали ўзлаштириб, сертификат олганлар 533 нафарни ташкил этди. “Мутолаа” лойиҳаси бўйича Деҳқонобод тумани китобсеварлари энг фаол китобхонлардан саналади. Жумладан, мазкур лойиҳа орқали китоб мутолаа қилаётганлар сони 2 минг 789 нафардан ортиқдир.

Тумандаги маҳаллалар фаоллари ёшларга ўзгача эътибори билан ажралиб туради. Ёш авлод учун боғлар ташкил этиб, уларнинг маънавий камолотига ҳисса қўшишни ўзлари учун олий мақсад, деб билишади. Жумладан, “Чамбил” маҳалласи ёшлар етакчиси Мавлон Маҳмаражабов ташаббуси билан йиғинда “Ёшлар боғи” ташкил қилинди. Худди шундай, “Яшил макон” лойиҳаси доирасида тумандаги маҳаллаларда ёшлар жонбозлиги билан яшил ҳудудлар сони ошиб боряпти.

Хулоса қилиб айтганда, туман маҳаллаларида ёшлар билан ишлаш тизимли йўлга қўйилган. Ҳудудлар имконияти ва шароитидан келиб чиқиб, йигит-қизлар тадбиркорликка, деҳқончиликка, чорвачиликка жалб этиляпти, ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашиляпти. Тумандаги ҳар бир ёшнинг ўз йўлини топиб кетиши, иқтидорини юзага чиқариши, ўз муаммоси билан ёлғиз қолиб кетмаслигида ўзимизни масъулиятли сезамиз. Шу масъулият ҳисси билан ишлаб, аҳоли, айниқса, ёшлар розилигига эришиш — асосий мақсадимиздир.

МАНЗАРА

Таъминот носозлиги тадбиркор ишини ортга суряпти

Яқинда икки йигит ўқишга кира олмагач, чет давлатга ишлаш учун жўнаб кетаётганидан хабар топдим. Дарҳол уйига бориб, ота-оналари билан суҳбатлашдим. Билишимча, аллақачон ҳужжатлар тайёр қилинган, йигитлар бир ой ичида жўнаб кетишини режалаштираётган экан. Улар билан алоҳида суҳбат қилиб, ҳарбий хизмат ўтаб, ўша ерда ишлаб қолишини тавсия бердим. Давлатга қилган хизмати йигитлик бурчи эканини тушунтирдим.



Орзубек ФАЙЗУЛЛАЕВ, Тойлоқ туманидаги “Аработа” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Яхшики, уларнинг бирдан фикри ўзгариб, бир йиллик ҳарбий хизматга кетиш тараддудини кўришди. Йигитлар билан охирги марта гаплашганимда улар ҳарбий хизматда қолишга тайёргарлик кўраётганини айтишди.

Маҳалламиз ёшларининг 75 фоизи иш билан банд. Қолганлари мавсумий ишларда ишлайди. Йиғин туман марказидан 65 км. узоқликда жойлашгани боис ўзимизда имкониятлар чегараланган. Ҳозирда ишсиз ёшларни тадбиркорликка йўналтириш бўйича шуғулланяпман. Мисол учун, анча вақтдан буён ишсиз қолган Элшод Қаландаровга 30 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига автомобиль ювиш шохобчасини очишида ёрдам бердик. Ҳозирда ёнига бир нечта йигитларни олиб, уларни ишли қилган. Яна бир қизимиз Моҳичеҳра Жарқинованинг оилавий шароитини ўрганиб, унга субсидия асосида 6 миллион сўмга тикув машинаси олиб бердик. Буюртма асосида аёллар учун бежирим кўйлаклар тикади. Шу билан бирга, бандликка кўмаклашиш ўқув марказида қизларга тикувчилик маҳоратидан дарс беради. Сирожиддин Мўминов ҳам ишсиз ёшлардан эди. Чорвачилик бўйича яхши малакага эга бўлгани учун унга 33 миллион сўм кредит ажратилиб, чорва молларини кўпайтиришига кўмаклашилди.

Профилактик ҳисобда турадиганлар бир нафарни ташкил этади. У ҳаддан ортиқ кўп спиртли ичимлик ичарди. Маҳаллада жанжал чиқараверіб, одамларни ўзидан бездирган. Яқинларидан сабабини сўраганимда, яқинда аёли билан ажрашгач, шу ҳолга тушиб қолганини айтишди. Уни тушкун вазиятдан олиб чиқиш учун психологни жалб қилдик. “Беш ташаббус олимпиадаси”да енгил атлетика спорт турида иштирокини қўллаб-қувватлаб, тушкунликдан чиқишига кўмаклашдик. Ҳозирда аҳволи барқарор. Самарқандда қурилиш корхонасида ишлайди.

Хорижга кетган ва миграциядан келганлар билан ижтимоий тармоқ орқали суҳбатлашиб, муаммоларини эшитамиз. Ҳозирда чет элдаги маҳалладошларимиз сони 16 нафарни ташкил этади. Улар орасида шароити яхши бўлса-да, кўпроқ оилавий даромадга эришиш ниятида жўнаб кетганлар ҳам бор. Улар Ватанга қайтиб, тадбиркорликни бошламоқчи эканини билдиришди.

Спорт билан шуғулланишни кундалик одатига айлантирган ёшларнинг мусобақаларда фахрли ўринларни олаётганидан қувонаман. “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг енгил атлетика баҳсларида йигитларимиз Республика босқичида 2-ўринни қўлга киритишди. Ғалаба эвазига маҳаллада жойлашган мактаб ҳовлисида Воркоут майдончаси қуриб берилди. Бундан ташқари, “Беш ташаббус паралимпиадаси”да Элдорбек Эшмаматов стол теннисида вилоятлараро босқичда 3-ўринни эгаллади.

Ёшларни кўпроқ ўқишга жалб қиляпмиз. Маҳалламизда жойлашган ўқув марказида барча фанлар ва чет тилларидан тўгараклар мавжуд. Шунингдек, 1 мингта китоб жамланган алоҳида Ёшлар кутубхонаси ташкил этилган. Ҳар куни 30-40 нафар ёш ушбу кутубхонада мутолаа учун йиғилади. Йигит-қизларнинг, айниқса, адабиётга қизиқиши катта. Кечки пайтда ўқиган асарлари юзасидан кутубхонада қизғин баҳс-мунозара қилишади.

Яқинда тикувчилик цехи очиб, қизларга иш ўринларини яратдик. Қизлар дўконлардан келган матони бичиб, тикади ва буюртмачига топширади. Ишнинг салмоғи ошиши учун электрон тикув машиналари билан жиҳозлаб бердик. Бироқ муаммо шундан иборатки, эски симёғочлардан ўтадиган электр тармоғи тез-тез ўчгани боис иш анча вақтгача тўхтаб қолади. Шундай вазиятларда буюртма эгасига кеч етиб боради. Таклифим шуки, яроқсиз симёғочларни янгисига алмаштириб, электр таъминотини яхшилаш керак. Бу нафақат аҳолининг яшаш шароитини яхшилайди, балки тикув цехидаги иш жараёни сифатининг ошишига ҳам хизмат қилади.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Аввалги лавозимга тикланишингиз шарт

Баҳора НОДИРОВА. Гулистон тумани:

— Мен Гулистон туманлараро судининг 2024 йил 24 сентябрдаги ҳал қилув қарорига мувофиқ, Мирзаобод туманидаги 17-умумтаълим мактабига лаборант лавозимига ишга тикландим. Лекин иш берувчининг важига кўра, лаборант лавозими қисқариб кетган, шунинг учун мени аввалги лавозимимга тиклаб бўлмас экан. Шу тўғрими?



Саидазим ХОЖАНАЗАРОВ, Гулистон шаҳар ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси:

— Иш берувчининг бу гаплари мутлақо асоссиз ва қонунга зид. Меҳнат кодексининг 569-моддаси 1-қисмига кўра, меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органнинг ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги қарори дарҳол ижро этилиши лозим. Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 266-моддаси 1-қисми 4-бандига кўра, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари тезда ижрога қаратилади. Бу жиҳат “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддаси 2-қисми 3-хатбошисида ҳам белгиланган.

Сизнинг вазиятингизда иш берувчи сиз эгаллаб турган лавозим (штат бирлиги)ни тегишли буйруқ чиқариш йўли билан штат жадвалига қайта киритиши шарт. Негаки, сиз суд қарори билан аввалги ишингизга тикландингиз. Шунинг учун иш берувчи сизга аввалги лавозимингиз ва олдинги меҳнат мажбуриятларингизни бажариш имкониятини тақдим қилиши зарур.

Ходим ишга тиклангандан кейин ушбу штат бирлигига эҳтиёж бўлмаса, уни қисқартириш мумкин, аммо бутун жараённи қайтадан амалга ошириш лозим бўлади. Яъни иш берувчи штат қисқариши сабабли ходимни ишдан бўшатмоқчи бўлса, қонунда назарда тутилган барча ҳаракатларни бажариши мажбурий бўлади, жумладан, ходимни бўлажак ишдан бўшатиш тўғрисида камида 2 ой олдин огоҳлантириши, бошқа ишни таклиф қилиши ва бошқалар.

Демак, бу ҳолатда иш берувчи дастлаб сизни аввалги лавозимингиз, яъни лаборантликка тиклаши шарт. Сизни ишга тиклаганидан сўнг бутун жараённи қайтадан амалга ошириш керак бўлади.



Январь-сентябрь ойларида Ўзбекистонга ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ ҳажми 34,8 фоизга ошиб, 11,3 млрд. долларни ташкил этди.



“COBALT MIDNIGHT” ҳозирги мавжуд модификациядан 7,3 млн. сўм қимматроқ бўлади.



МАРКАЗИЙ БАНК асосий ставкани йиллик 13,5 фоиз даражасида сақлаб қолди.

ИМКОНИЯТ

“Маҳалла еттилиги”: қамров кенг, ҳаракат аниқ

Бугунги кунда тумандаги 39 та маҳаллада 123,2 минг нафар аҳоли яшайди. Уларнинг дарду ташвишларини тинглаш, яшаш шароитларини яхшилаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифамиз.



Шаҳноза БЕКЧАНОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Янгиариқ тумани бўлими бошлиғи.

Тан олиб айтиш керак, муаммоларни бирданига ҳал қилишнинг имкони йўқ. Бироқ бу борада манзилли ишлаш тизими яратилди. Агар бундан бир неча йиллар олдин фуқаролар дардини кимга айтишни билмай, турли идоралар олдида навбат кутиб, иши битмаганидан ҳафсаласи пир бўлиб, ўзи билан ўзи овора ҳолатда қолиб кетган бўлса, бугун ўз муаммоларига ечим топиш имконига эга бўлмоқда. Бу борада оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар улар учун чинакам минбар бўлиб хизмат қилмоқда.

Маҳалла халқ билан давлат ўртасида кўприк бўлмоғи лозим. Бу бизни ҳамиша ҳушёрликка чорлайдики, ҳар бир хонадон, кўча ва маҳалланинг молиявий аҳволидан руҳий ҳолатигача хабардор бўлмоғимиз шарт. Бу борада “маҳалла еттилиги” элдошларимизга ўз ташвишу муаммоларини яшаб турган жойида ҳал қилиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда бир неча йиллардан бери амалга ошириб келинаётган “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила – тадбиркор” каби муҳим дастур ва лойиҳалар халқ фаровонлигини юксалтиришдек олижаноб ғояни илгари суради. Ҳозир ушбу дастурлар доирасида қилинаётган ишлар самарасини кўриб, билиб турибмиз.

Инсонларнинг дунёқарашига сингиб кетган озодалик, тозалик тушунчаси кўркам хонадонлар мисолида намоён. Маҳаллаларда “Сайхунобод тажрибаси” бўйича “Омбор китоби” шакллантирилган бўлиб, вазифалар тўлиқ бажарилмоқда. Жумладан, “Чақир” маҳалласида яшовчи Баҳром Собиров “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури асосида кредит олиб, хонадонида паррандачилик фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозирда у 300 дона товуқ, 500 дона бедана боқиб, тухумларини бозорга чиқариб, яхшигина даромад топяпти. Кўшимчасига курка ва ўрдак боқиб, гўштидан фойда оляпти. Хонадонининг бир бурчагида кичкина ҳовузда балиқчилик билан ҳам шуғулланяпти. Шунингдек, 4 бош сигир сутидан ойига 3 млн. сўм, ўндан ортиқ отдан 30-40 млн. сўм даромадга эга бўляпти.



Туманда “Прокурор ва ёшлар” учрашувини ўтказиш анъанага айланган. Яқинда Хоразм вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи Т. Отаниёзов ҳамда Янгиариқ тумани прокурори О.Эшчонов янгиариқлик ёшлар билан учрашди. Ёшлар билан очиқ ва эркин руҳда ўтказилган суҳбат давомида бугунги кунда ёшлар орасида учраётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари ҳақида сўз юритилиб, ёшларнинг ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор этилиб, улардан оқилона фойдаланишга чақирилди.

Учрашув якунида ютуқларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларга ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, ички хўжалик йўлларига шағал аралашмасини ётқизиш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кузги кўчат экиш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган амалий семинар ўтказилди. Унда вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов иштирок этиб, бу борадаги муҳим вазифалар хусусида тўхталди.

Тадбирда кузги кўчат экиш мавсумида тупроқ ҳамда иқлим шароитига мос мевали ва манзарали дарахт кўчатларини агротехнология талаблари асосида ўтқазиш ва тўғри парваришлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтилди. Шу боис кўчат экишда дарахтлар ҳудуднинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, боғлар ҳосил қилиш ва кўкаламзорлаштиришни назарда тутган ҳолда танлаб олинди.

Туманда 9,9 км. узунликдаги ички хўжалик йўлларига шағал аралашмаси ётқизилиб, “Дўстлик”, “Остона”, “Ангарик”, “Қармиш” маҳаллалари аҳолиси учун қулайлик яратилади. Шунингдек, маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ва чуқурлаштирилган тиббий кўриклар, энергия тежамкор технологиялар кўргазмаси ташкил қилинди.

Ҳали олдимизда ўз ечимини кутаётган муаммолар, масалалар кўп, албатта. Зеро, ривожланиш шундай бир довонки, ундан босқичма-босқич ўтилади. Тараққиёт эса тўхтамайди. Халқимиз бизга ишониб яшар экан, бу ишончни оқлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.



ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ

6 МЛРД. СЎМДАН ОРТИҚ СОЛИҚ ЯШИРИНГАН

Сайёр солиқ текширувлари натижасида “Аталанта” *(корхона номлари ўзгартирилган)* масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонанинг товар моддий бойликлари ҳисобот бўйича 1912,8 тонналик маҳсулот қолдиғининг умумий қиймати 31 миллиард 291 миллион 277 минг 300 сўм *(қўшимча қиймат солиғисиз)*ни ташкил этган бўлиб, ушбу маҳсулотлар “Бергамо” МЧЖга қарашли омборхонада сақланган.



Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғи(ҚҚС) нинг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Низом талабларига кўра, 2022 йилнинг 1 январидан юридик шахслар томонидан кўчмас мулкни ижарага бериш (олиш) ёки текин фойдаланиш шартномалари давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилиши белгиланган ва ҳисобга қўйиш масофадан туриб фақат электрон шаклда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, солиқ органларида ҳисобга қўйилмаган шартномалар асосида ижарага олинган ёки текин фойдаланилаётган кўчмас мулк объектларида сақланаётган товар моддий захиралар қолдиқлари саноқдан ўтказилмаслиги ва солиқ солиш мақсадларида солиқ тўловчининг омборида мавжуд эмас, деб баҳоланиши белгиланган.

Бироқ солиқлардан қочиш ва зарур ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаслик “Аталанта” қўшма корхонасига қимматга тушиб, катта миқдорда жаримага тортилишига сабаб бўлди. Бу ҳолат юзасидан Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори чиқди.

Текшириш натижаларига кўра, 31 миллиард 291 миллион 277 минг 300 сўм камомад учун 3 миллиард 754 миллион 953 минг 200 сўм миқдорида ҚҚС ва 5 миллион 698 минг 500 сўмлик товар моддий бойликлари ортиқчалиги учун 854 минг 700 сўм миқдорида фойда солиғи тўлаши лозимлиги ҳисобланди. Бундан ташқари, Жиззах вилояти солиқ бошқармасининг 2024 йил 22 январдаги қарори билан Солиқ кодексининг 223-моддасига мувофиқ, 20 фоиз миқдорида ёки 6 миллиард 259 миллион 395 минг 160 сўм молиявий жарима қўлланилди.

Шундан келиб чиқиб, солиқ тўловчилар маълум бир кўчмас мулк объектларини ижарага бериш (олиш), ундан омборхона ёки бошқа мақсадлар учун фойдаланилган тақдирда юқоридаги Низом талабларига кўра, шартномаларни солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиши шарт.

Қонунларга амал қилган ҳолда юритилган фаолият ҳисобига олинган даромадлар солиқ тўловчилар ривожини кафолатлайди. Солиқ органлари эса инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори ҳисобланади.

Аҳрор ТИЛАВБОЕВ,
Жиззах вилояти солиқ бошқармаси юридик шўъбаси бошлиғи.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Бюрократия ва фуқароларни сарсон қилиш ҳолатлари барҳам топди

Менга бириктирилган учта маҳалла ҳам деҳқончиликка ихтисослашган. “Қодиробод”да қулупнай, “Соҳилобод” ва “Узумзор” йиғинларида узум етиштирилади. Ишсиз аҳолига ер берилиши натижасида деҳқонлар сафи кенгаймоқда. Энг муҳими, аҳоли бандлиги таъминланиб, солиқ манбаи ортмоқда.

Аҳмаджон ҚАЮМОВ,
Тўрақўрғон туманидаги “Қодиробод”, “Соҳилобод”, “Узумзор” маҳаллалари солиқ инспектори.



Солиқ инспекторлари “маҳалла еттилиги” таркибига қўшилгач, аҳоли 30 километр йўл босиб, навбатда туриб, солиқ тўламайдиган бўлди. Чунки солиқ тизимида кўрсатиладиган давлат хизматларининг деярли барчаси электрон шаклга ўтказилиб, тизимда бюрократия ва фуқароларни сарсон қилиш ҳолатлари тўлиқ барҳам топди.

Бугунги солиқ тўловчилар солиқ идорасига эмас, балки биз, солиқ инспекторлари уларнинг хонадонларига кириб, қандай муаммолари ёки саволлари бўлса, жойида ҳал этиш чораларини кўряпмиз. Аҳолига солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиряпмиз. Айниқса, мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи “Маҳалла бюджети”да қолишини, ушбу маблағлар маҳалла ободлигига, аҳолига қулай инфратузилма яратиш лойиҳаларига йўналтирилишини кенг тарғиб этяпмиз.

Бундан ташқари, тадбиркорликка қизиқувчи ёки тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётган фуқароларга зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги оширилиб, тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам тарзда фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ходимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклиги айтилмоқда.

Энг муҳими, “маҳалла еттилиги”нинг иқтисодий таянчи бўлиб, ҳудуднинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўлларини излаяпмиз. “Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида ноқонуний фаолият ва товарлар савдосига чек қўйиб, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда ўзини ўзи банд қилганларни кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашяпмиз. Тушумлари ҳеч қаерда акс этмаётган яширин иқтисодиёт занжирлари узилмоқда. Хусусан, ноқонуний фаолият кўрсатаётган ўнлаб тадбиркор янгидан рўйхатдан ўтказилди. Қирқтага яқин корхонада норасмий меҳнат қилаётган ишчининг расмий бандлиги таъминланди. Вақтинчалик молиявий қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланди. Қўшимча 58 та объект аниқланиб, солиқ ҳисобланди. Шунингдек, 1 141 нафар фуқаро турли йўналишлар бўйича ўзини ўзи банд қилди. Шу тариқа қўшимча манба топилди.

> **Энг муҳими, “маҳалла еттилиги”нинг иқтисодий таянчи бўлиб, ҳудуднинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўлларини излаяпмиз.**

Солиқ тизимига оид ислоҳотлар натижасида аҳоли тадбиркорлик билан қонуний шуғулланиб, ўзи ва оиласини даромадли қилиш имкониятига эга бўлмоқда. Бугунги кунда “Қодиробод”, “Соҳилобод” ва “Узумзор” йиғинларида 196 та юридик шахс, 43 нафар якка тартибдаги тадбиркор ҳамда 905 та деҳқон хўжалиги фаолият юритмоқда. “Соҳилобод” ва “Қодиробод” маҳаллаларида иккита кичик тикувчилик корхонаси қурилмоқда. Келгусида уларда 15 нафардан хотин-қиз ишли бўлади.

Учта маҳаллада 2 431 нафар ер солиғи ва мол-мулк солиғи тўловчиси бўлиб, улардан режадаги солиқ ундирилди. Йил охирига қадар солиқ тушуми 616,3 млн. сўмга етади ва “Маҳалла бюджети”га 61,6 млн. сўм қолади.

Қувонарлиси, меҳнатларимиз муносиб рағбатлантирилмоқда. Сентябрь ойида самарадорлик кўрсаткичим 100 баллни ташкил этди. Натижада Солиқ қўмитаси раҳбариятининг ташаккурномаси ҳамда қўшимча пул мукофоти билан тақдирландим.

Келгуси фаолиятимда ҳам қўшимча манбаалар яратиб, солиқ тушумларини ортиғи билан бажаришга ҳамда солиқчилар ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.



Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бу — Ўзбекистон тарихида ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧ!



Мамлакатимизда яшаётган БОШҚА МИЛЛАТ ВАКИЛЛАРИ сайланган депутатларнинг 12,7 фоизини ташкил қилади.



Депутатларнинг барчаси ОЛИЙ МАЪЛУМОТли бўлиб, 35 фоизи илмий даражага эга ҳисобланади.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

КИМ НИМА БИЛАН МАШҒУЛ — ҲАММАСИ НАЗОРАТДА



Туман марказида жойлашган “Темир жол гузари” маҳалласида олти мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ҳудудда турли давлат ташкилотлари ва ижтимоий объектлар кўп. 3 та умумтаълим мактаби ва 4 та давлат боғчаси бор. Битта касб-ҳунар мактаби бўлиб, унда қўшни тумандан ҳам ёшлар келиб ўқишади. Шу боис йиғин ҳудуди доим аҳоли билан гавжум. Бу эса биздан янада кўпроқ ҳушёрликни талаб этади.

Адилбай ЖОЛДАСБАЕВ,
Чимбой туманидаги “Темир жол гузари” маҳалласи профилактика инспектори.

Аввало, ҳудудни тўлиқ назорат қилиб туриш учун жамоат жойлари, аҳоли гавжум масканлар, хусусан, мактаб, боғча, савдо дўконлари ҳамда чорраҳа, барча кириш-чиқиш йўлларига замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатиб, уларни хизмат хонамга интеграция қилдик. Аксарият жиноятлар тунги вақтда содир бўлишини инобатга олиб, кўча бошилари ҳамда фаоллар иштирокида мунтазам тунги назорат тадбирлари ташкил этилмоқда. Қоронғулик жиноятлар ўчоғига айланмаслиги учун 21 та кўчага тунги ёритгич чироқлари ўрнатилди.

Бемақсад юрганларнинг шахсини хизмат планшетимиз ёрдамида жойида аниқлаб, улар билан тушунтириш ишлари олиб боряпмиз. Бу жараёнда вояга етмаган ёшлар, айниқса, мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга жиддий эътибор қаратяпмиз. Ҳар куни маҳалла раиси ва ёшлар етакчиси билан биргаликда умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар мактабига кириб, вазиятни ўрганиб чиқамиз. Ёшлар ўртасида спорт мусобақалари, турли танлов ва маданий тадбирлар мунтазаб ташкил этилмоқда. Яқинда волейбол ва футбол бўйича кичик турнир ўтказдик. Шунингдек, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шавқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган тарғибот тадбирлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шунда улар онгида турли бузғунчи ғояларга жой қолмайди, жамиятимизнинг ижтимоий фаол аъзосига айланади.

Бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ёш болалар ва ўқувчилар ўлими ортмоқда. Шу боис ҳудудимиздаги таълим муассасалари олдида автотранспортлар тезлигини чеклаш учун тегишли ташкилотларга махсус тўсиқлар ўрнатиш таклифини бердик. Ўйлаймизки, тез орада бу ташаббусимиз амалга татбиқ этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда энг қуйи бўғиндаги вазият ва муаммоларни чуқур ўрганиш асосида ҳар қайси маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада профилактика инспекторларининг самарали хизмат ўташи учун муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиб берилди. Одамларнинг тинч-тотув яшаши учун ҳар бир маҳалланинг “қулф-калити” яратилди. Уни мустаҳкамлаш учун фуқаролар, кўча бошилари билан доимий мулоқотда бўлиб, тарғибот ишларини янада кучайтиряпмиз. Биринчи навбатда, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқаролар билан манзилли ишлаяпмиз. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, жиноятнинг салбий оқибатларини ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтиряпмиз.

Бир сўз билан айтганда, маҳалладаги ҳар бир ойланинг аҳволидан хабардор бўлиб, ким нима билан машғул – ҳаммасини назоратга олганмиз.

ТАҲЛИЛ

Ургутда 14 401 та янги иш ўрни яратилди

Ургут туманида 120 та маҳалла бўлиб, шундан 15 таси қўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Ҳар бир йиғинда “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизими ҳамда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шерзод ХОЛИҚОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Ургут тумани бўлими бошлиғи.

Хусусан, 13 240 нафар аҳолининг доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишларда бандлиги таъминланди. Шунингдек, ҳарбий хизматдан қайтадиган, мактаб ва бошқа билим юртларини тамомлаб, меҳнат бозорига кириб келаётган 6 634 нафар ёш “Омбор китоби”га киритилиб, ишли қилинди. “Маҳалла еттилиги” билан тижорат банклари ҳамкорликда “Сайхунобод тажрибаси” асосида 756 та кам даромадли хонадонга 12,3 млрд. сўм миқдорида 7 хил лойиҳа пакетларини тақдим қилди ва 14 401 та янги иш ўрни яратилди. 1 сентябрь ҳолатига кўра, 2 488 та оила камбағалликдан чиқарилди.

Маҳаллалардаги ўрганишлар жараёнида ички йўллар, электр энергия, газ таъминоти ва ичимлик сув тармоқларининг ҳолатини яхшилаш бўйича аниқланган 139 та муаммоли масаланинг барчаси ҳал этилди. Туман миқёсида 28 152 та хонадонда “Обод хонадон” ҳамда барча маҳаллалар ҳудудида “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” мезонлари жорий этилиб, бунёдкорлик ва



ободонлаштириш ишлари олиб борилди. “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган 1 615 нафар ёшга деҳқон хўжалигини юритиш учун 645 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Бундан ташқари, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғининг 10 фоизидан шакллантирилган 1 млрд. 825 млн. сўм миқдордаги “Маҳалла бюджети” ҳисобидан “маҳалла еттилиги” учун 43 дона компьютер жамланмаси, 38 дона рангли нусха кўчирувчи, 39 дона замонавий планшет, 41 та стол, 250 дона стул, 24 дона кондиционер олинди. 6 та маҳалла биноси таъмирланиб, 16 дона электр ҳисоблагич харид қилинди. Шунингдек, 8 та камбағал оиланинг уй-жойи таъмирланди, оилавий шароити оғир 45 нафар фуқарога уй-жой бунёд этилди. Битта зиёратгоҳ қурилиб, 5 та чиқинди қутиси ўрнатилди. Бундан ташқари, 5 775 нафар кам таъминланган, ногиронлиги бор оилага “маҳалла еттилиги” ва ҳомийлар кўмагида 1 млрд. 155 млн. сўмлик ёрдамлар кўрсатилди.



“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 45 мингта манзарали ва мевали дарахтлар экиш режалаштирилган бўлиб, айни вақтда аҳоли хонадонларига 17 мингтаси экилди.

Ургут тумани тоғли ҳудудда жойлашгани сабабли куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш катта масъулият талаб этади. Ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, тайёргарлик ишлари қизғин кетмоқда. Мавсум давомида табиий газ босими ва электр энергияси кучланишининг пасайишини ҳисобга олиб, ишни аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтиришлардан бошладик.

Туманда аҳоли хонадонларига талаб этиладиган кўмир миқдори 56 000 тоннани ташкил этади. Айни пайтда “Ўзбеккўмир” АЖ корхонасининг “Жарқишлоқ” ҳамда “Бунёдкор” маҳаллаларида фаолият юритаётган кўмир ёқилғиси тарқатиш омборидан аҳолига имтиёзли нархда кўмир етказиб берилмоқда. Биринчи навбатда, туманнинг тоғ олди ҳудудларидаги маҳаллаларга тарқатиляпти. Шу кунгача олис ва бориш қийин бўлган ўнга яқин қишлоқда режадаги 1 989 тонна кўмир ўрнига 2 050 тонна берилди. Ижтимоий соҳа объектларига ҳам режадаги 11 551 тонна кўмир ёқилғиси ўз манзилларига етказилди.

Бугунги кунда тумандаги 92 минг 843 дан зиёд хонадонга “Ургут” ва “Деҳқонобод” электр тармоқлари корхонаси хизмат кўрсатмоқда. “Санчиқул”, “Қайроқли”, “Янгиҳаёт”, “Ўртагузар”, “Жартепа” каби маҳаллаларга ушбу электр тармоқлари корхонаси, туман ҳокимлиги ҳомийлик ёрдамида 67 та янги трансформатор ўрнатилди. Шунингдек, 63,45 км. янги ҳаво тармоғи тортилиб, 1 588 та темир-бетон таянч устуни қўйилди.

Ургут туманида 364,7 км. газ қувурлари ва 422 та газ тарқатиш қурилмалари бўлиб, барчаси техник кўрикдан ўтказилди. 75 минг 212 нафар аҳоли хонадонлари маиший газ баллонлари билан таъминланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, “маҳалла еттилиги” кўмагида аҳолини қийнаб келаётган барча масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этилмоқда.

СУД ҲУКМИ

Яхшиликни билмай туриб, жиноятга қўл урди



Бир ойда бир марта бериладиган маошга қаноат қилмаган Тоҳир кунлик меҳнат бозорига чиқиб, тирикчилик қилиб юрди. “Кунбай” иш унга ёқиб тушди. Негаки, кунига қўлингда пул бор. Рўзғорга етиб турибди.

Бироқ бу хотин дегани уч нафар вояга етмаган фарзандларини, уларни емак-ичмаги, уст-бошига етмаётганини рўкач қилавериб, жонига тегарди. “Бундай ишнинг баракаси йўқ, доимий иш топиб ишланг”, деб ҳоли-жонига қўймасди. Эҳ, бу хотин қаёқдан билсин: мижоз манзилига етгунча тушлик бўлади, ими-жимида айтган ишларини қиласан, қарабсанки, кеч тушади, келишилган пулни олиб кетаверасан. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Нимаси ёмон...

Аммо хотинига буни тушунтириб бўлмайди. Очиғи, бора-бора Тоҳирга бу иш ҳам ёқмай, кўнгли катта пулни тусаб, уни қандай қўлга киритиш ҳақида ўйлай бошлади. Шу билан хотинининг ҳам чакагини ўчириб қўйишни ният қилди.

Айни баҳор фасли. Ҳамма ҳаракат иштиёқида. Унинг ҳам пайтавасига қурт тушган. Қишнинг узун тунларида бекорчиликдан тузган режасини амалга ошириш вақти келганди. У синфдоши Бахтиёрга қўнғироқ қилиб, муҳим бир ишда ёрдам беришини сўраб, учрашувга таклиф қилди.

– Дўстим, биласан, учта ёш болаларим бор. Мардикорликда ишлаб, косам оқаргани йўқ. Ёрдамингни аямасанг. Бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан автомашина топиб берсанг, киракашлик қилиб, рўзғоримни тебратсам. Йўқ, дема! Яхшилигингни бир умр унутмайман.

– Биламан, ҳозир ҳаммага қийин. Мен сўраб-суриштирай. Топганим заҳоти сенга қўнғироқ қиламан, – деди синфдоши.

Бахтиёр лафзида турди: синфдошининг оиласига, болаларига ачинибми, таниши Ботирга тегишли автомашинани гаплашиб берди. Бироқ Тоҳир автомашинани қўлга киритиши биланоқ, пулини насия қилиб, уни сотиш тараддудига тушди. Автомашинага дарров харидор ҳам топила қолди ва уни 8 200 АҚШ долларига сотиб юборди. Пулларни эса ўзига ишлатди.

Яхшиликка ёмонлик, деб шунга айтсалар керак. Тоҳир бир йил олдин ҳам фирибгарлик жинояти учун судланган. Ўшанда оиланинг ягона боқувчиси, етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, муқаддам судланмаганлиги инобатга олиниб, унга озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган эди. Бироқ Тоҳир бундан ўзига тегишли хулоса чиқармади. Биринчи жинояти учун суд ҳакамлари унинг оиласи, фарзандлари ҳақида қайғуриб, унга енгил жазо берди, аммо ўзи бу ҳақда ўйламай, яна жиноятга қўл урди.

Бу гал Жиноят ишлари бўйича Яшнобод тумани суди очиқ суд мажлисида 1991 йилда туғилган Тоҳирнинг қилмишларини қонунан кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми “б” банди (“Фирибгарлик”) билан айбли деб топди. Етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олиниб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йилу 6 ойга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилди.

Улуғбек ФОЗИЛОВ,
Яшнобод тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими терговчиси.



Абдулла Қодирийнинг романлари АРАБ ТИЛИда чоп этилди.



2025 йил ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ харажатлари учун 24,2 триллион сўм ажратилиши режалаштирилмоқда.



ОМБУДСМАН СЎРОВИга биноан 6 нафар масъулга жиноят иши қўзғатилди.

ИНСОН ИРОДАСИ

ОТАЛИК МАСЪУЛИЯТИ САБАБ ОЁҚҚА ТУРДИМ

Бухоро туманидаги "Қўшходим" маҳалласида яшовчи Ҳусан Бобоев айни ишлаб, меҳнат қиламан, деган вақтида бахтсиз ҳодиса сабаб оёғидан айрилиб қолди. Бироқ 5 нафар фарзанднинг масъулияти, уларни тарбиялаш, вояга етказиш ташвиши тушкунликка тушиб қолган Ҳусан акани оёққа туришига сабаб бўлди.

Ўз вақтида қаҳрамонимизга сон протези берилди, аммо унинг оғирлиги, ноқулайлиги Ҳусан акани жисмоний меҳнатдан чеклаб қўйган эди. Кенгликни, ерни севган Ҳусан акага яқинда туман "Инсон" маркази томонидан янги ваучер тизими асосида замонавий протез берилди.

44 ёшли бу фуқаро ҳозирда протездан фойдаланган ҳолда, фермер хўжалигида механизатор бўлиб ишлаш билан бир қаторда, унга берилган томорқа ерида сабзавотлар экиб, даромад оляпти. Фарзандлари эса отасининг ҳалол меҳнатига яраша олий таълим муассасаларида аъло баҳоларга ўқимоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси матбуот хизмати.

ТАҚДИРЛАР

ЙИҚИЛГАНДА ТИРГАК БЎЛСАК...

Ҳеч ким оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолмасликдан кафолатланмаган. Латофат Омонова ҳам бундан бир йил аввал турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди билан бахтли ҳаёт кечирган. Жорий йилнинг бошида оила боқувчисининг вафотидан кейин тақдир синовларига рўбарў келди. Молиявий қийинчиликлар сабаб Латофат "Инсон" ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилди.

Ижтимоий ходим унинг хонадонига келиб, оғир ҳаётий вазиятдан чиқишида кўмаклашмоқда. Хусусан, Латофат ва фарзандларининг тушкунлигини бартараф этиш учун психологик хизмат кўрсатилди.

Ижара тўловининг ярмини қоплаб бериш учун "Саховат ва кўмак" жамғармасидан маблағ ажратилди. Уйида новвойчилик билан шуғулланиши учун тандир ўрнатиб берилди ва ун маҳсулотлари етказилди.

Фарзандлари тўгаракка жалб қилиниб, уларга қишки кийимларини харид қилиш учун керакли маблағ берилди.

Ҳозирда Латофат Омонова новвойчилик фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиб, маҳалласидаги бир нафар қизни бандлигини таъминлаган. Асосийси, ҳаётдаги қийинчиликлар ортда қолиб, келажак учун катта режалар тузган.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.

ЭЪЛОНЛАР!

Абдуллаев Мирфайзулла номига 1993 йил 10 февралда 04-02/11898 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги сабабли ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги Қўйлик-5 массиви (мўлжал: "Киёт" ерости метро бекати)да 1 хонали (2 хона қилинган) квартира тез ва арзон нархга сотилади. Хонадон яхши таъмирланган, балкон иссиқ пол қилинган, эшик-ромлар янги, ошхона мебели бор. Умумий майдони — 41 метр квадрат. Нархи — келишилади. Боғча, мактаб, бозор, банк, поликлиника яқин. Боғланиш учун телефон рақамлари: (90) 807-16-17, (95) 080-43-70.

ТАҲЛИЛ

Ўзгаришлар қоғозда эмас, амалда юз берсагина натижага эришамиз

Аввалларимутасадди ходимнинг ҳудудида амалга оширган ишлари ҳисобот ва рақамларда акс этарди. Энди вазият тубдан ўзгарди. Натижаларимизни халқнинг яшаш тарзи, камбағалликнинг қисқариши ҳамда фаровонлик даражасининг ортишида яққол кўриш мумкин.



Ҳусниддин ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Булоқбоши тумани бўлими бошлиғи.

Айниқса, маҳалла тизими ходимларининг зиммасига давлат юклаган вазифалардан ташқари, ўзи амалга оширишни режалаштириб қўйган юмушлари бисёр. Одамлар билан ҳамнафас, дарду ташвишларини ҳис қилиб яшаш ҳар биримизнинг ҳаётий мақсадимизга айланган.

Туманимизда камбағалликни қисқартириш, хонадонлар билан ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича ҳудудлардан 3 минг 935 та оила танлаб олинди. Уларни оғир вазиятдан олиб чиқиш учун қатор мутасаддилар масъул сифатида бириктирилди. Вакиллар ўтказган суҳбат ва ўрганишлар натижасида 546 та муаммо аниқланди. Жумладан, олий таълим муассасасида таҳсил олаётган талабаларнинг шартнома пулини тўлашда ёрдамлашиш, истовчиларни касб-ҳунарга ўқитиш, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга имтиёзли кредит ҳамда субсидиялар бериш, хонадонидаги томорқасидан самарали фойдаланмаётган аҳоли вакилларига кўмаклашиш, деҳқончилик билан шуғулланишни хоҳлаганларга 15 сотихдан ер майдонлари ажратиш ҳам асосий эътибор марказимизда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган кишиларнинг оғирини енгил қилиш, ирода ва матонатига таяниб, ўзини ўнглаб олишига тизимли равишда кўмаклашиб келяпмиз. Хусусан, 9 нафар имконияти чекланган фуқарога ногиронлик белгилаш ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнлари бошлаб юборилган. 70 нафар фуқаро тўлиқ тиббий текширувдан ўтказиляпти. 170 нафар шахс керакли дори-дармонлар билан таъминланяпти.

Жорий йилнинг шу даврига қадар аниқланган муаммоларнинг 91 фоизи ижобий ҳал этилди. Ишсиз фуқароларнинг 42 фоизи доимий банд қилинди. Мисол учун, "Шоҳгузур" маҳалласида яшовчи Гулноза Норалиева туман тиббиёт бирлашмасига ҳамшира лавозимига ишга қабул қилинди. "Ёрбоши" маҳалласида истиқомат қиладиган Зарнигор Юсупова ҳудуддаги 15-умумтаълим мактабига лаборант лавозимига ҳамда Хазинахон Абишева, Шохсанам Абдукаримова "Xo'jaobod Fayz-M" трикотаж фабрикасида тикувчи сифатида иш бошлади.



Томорқадан самарасиз фойдаланаётган 94 та оиланинг барчасида муаммолар ҳал этилди. Хусусан, "Қумгузар" маҳалласида яшовчи Муқаддасхон Мамасолиева, "Юксалиш" маҳалласида яшовчи Мадинахон Ўрмонова, "Ривож" маҳалласида истиқомат қиладиган Дилнозахон Тешабоевага берилган тавсия ҳамда кўрсатилган йўл-йўриқлар ўз самарасини бермоқда. Қаровсиз ётган ерларига ишлов бериб, рўзғори учун керакли сабзавот маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйишди. Ортганини сотиб, даромад кўришни ҳам бошлаб юборишди. "Чақар" маҳалласидан бўлган Донохон Ҳожиева хонадонида замонавий иссиқхона қуриб берилди. Фуқаро унга берилган бу имкониятдан жуда хурсанд. Ерга меҳр бериб, меҳнат қилишга киришган.

Тадбиркорликни йўлга қўйиш учун кредит ажратиш керак бўлган 43 нафар фуқаронинг 38 нафарига (88 фоиз) сўралган маблағлар тақдим этилди. Айтайлик, Ҳуррият Аҳмедовага новвойчилик фаолиятини кенгайтириш учун 10 миллион сўм берилгандан кейин иши янада ривожланди. Бир-биридан мазали нонлари халқимиз дастурхонига янада кўрк бағишламоқда.

Муқаддамхон Маликовага тикувчилик йўналиши бўйича тақдим этилган 10 миллион сўм кредит энди иш бошлаган тадбиркорга анча мадад бўлди. Шу кунгача уйида олиб бораётган кичик фаолиятининг кўламини кундан-кунга кенгайтириб бормоқда. Унга шогирд тушиш истагидагилар ҳам кўпайиб боряпти.

Юқорида қайд ўтиб ўтилганидек, "маҳалла еттилиги" ходимлари фақатгина зиммасига юклатилган вазифалар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ҳар бирининг фуқаролар билан ишлаш, уларнинг шароитини яхшилаш бўйича шахсий режа ва мақсадлари бор.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Дардига елка тутинг, давоси енгил кечади

Ёши 60 дан ошган бу кишининг кўрмаган азоб ва қийинчилиги қолмаган. Бундан бир неча йил аввал ишлаш мақсадида хорижга йўл олади. Бошида ҳаммаси яхши кетаётган эди. Лекин тақдир бизга қандай синовлар тайёрлаб қўйганини олдиндан билиб бўлмас экан. Қурилиш майдонида рўй берган бахтсиз ҳодиса сабаб у юзидан қаттиқ жароҳат олади. Шу аснода шахсини тасдиқловчи ҳужжатини ҳам йўқотиб қўяди. На юртига қайта олмай, маблағи йўқлиги боис на даволаниш имконини тополмай, анча вақт сарсон бўлиб юради. Ҳамкасблари депорт сифатида йигитни Ўзбекистонга қайтариб юборади.



Шаҳринисо АКБАРАЛИЕВА, Гулистон шаҳридаги "Зарбдор"ва "Ишонч" маҳаллалари ижтимоий ходими.

Хонадонларни айланиб юрар эканмиз, шу фуқаро билан ҳам суҳбатлашдик. Яшаш шароити ва ҳолати бирламчи баҳолашдан ўтказилгандан кейин қандай хизматларга муҳтожлиги аниқланди. Ўн икки йилдан буён ҳеч қандай ҳужжатсиз юрганини ҳисобга олиб, биринчи навбатда, мана шу муаммога ечим топишга қарор қилдик. Юзидаги жароҳат излари сабаб шу кунга қадар мурожаатлари жавобсиз қолаётган экан. Масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда масалага ижобий ечим топилди. Фуқаро тез фурсатда шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлди. Кейин туман тиббиёт бирлашмасида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Юзини пластик жарроҳлик усулида даволатиш учун "Саховат ва кўмак" жамғармасидан моддий ёрдам ажратиладиган бўлди. Бундан ташқари, яқин қариндошлари билан муносабатлари тикланди. Психологик хизмат кўрсатилиб, руҳий тушкунлигини бартараф этишга ҳаракат қиляпмиз. Қолаверса, даволаниши ҳамда ҳордиқ чиқариши учун сиҳатгоҳга навбатга қўйилди.

Гарчи саломатлигида муаммоси бўлса-да, фуқаро тиним билмайди. Қўни-қўшниларнинг таъмирталаб бўлиб қолган маиший техника воситаларини тузатиб беради. Ҳомийлар тарафидан олиб берилган чархлаш ускунаси ёрдамида озми-кўпми даромад топяпти. Яшаш ва олға интилишдан тўхтаб қолгани йўқ.

Жорий йилнинг март ойидан буён ижтимоий ходим лавозимида ишлаб келаётган бўлсам, бугунга қадар шу каби 30 га яқин кейс очилди. Қилаётган ишим ўзимга жуда ёқади. Мутахассислигим психолог бўлгани учун турли эмоционал ҳолатдаги инсонлар билан суҳбатлашиш, уларнинг муаммоларига бирга ечим топиш катта тажриба мактаби бўляпти.

"Ишонч" маҳалласидаги бир оилада 3 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро истиқомат қилади. Аёл икки фарзанди ва турмуш ўртоғини доимий парваришлаб келаётган экан. Уларни кўрсатиладиган хизматлар билан таништириб, аввало, кам таъминланганлар рўйхатига киритдик ҳамда болалар нафақаси тайинланди. Катта фарзандининг таянч ҳаракат аъзоларида нуқсони борлиги учун арава билан таъминланди. Унинг жарроҳлик амалиётига "Саховат ва кўмак" жамғармасидан 17 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Ҳозир муолажадан кейинги тикланиш жараёни кетяпти.

Аёлга далда бўлиш мақсадида психологик хизмат кўрсатилди. Турмуш ўртоғининг кўриш қобилияти заифлигини ҳисобга олиб, хоҳишига кўра, ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда хориждан иш топишига кўмак берилди. Энди фарзандларини "Ғамхўрлик" гуруҳига жойлаштириб, онасини Мономарказда тикувчиликка ўқитмоқчимиз. Шу орқали келажакда ўзига муносиб ҳунарга эга бўлади. Айни вақтда оилага 1 миллион 500 минг сўмдан кўпроқ нафақа пули берилмоқда. Яшаш шароити аввалгидан яхшиланган.

Маҳалла тизимида ишлаш осон эмас. Ҳар куни ҳар хил инсонлар билан учрашиб, суҳбатлашамиз. Истайсизми-йўқми, уларнинг кайфияти, ички кечинмалари бизга ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Нима бўлган тақдирда ҳам фуқароларнинг гапиришига имкон беришимиз керак. Сўзини бўлиб, овозининг баланд-пастлигига қараб муомала қилсак, кўнглидагиларнинг барчасини очиқ-ошкор айтолмайди.

Ота-онаси хорижга ишлаш учун кетган болалардаги тушкунлик, айниқса, мени ташвишга солади. Минг ишончли қариндошларига қолдириб кетилган бўлмасин, бола қайсидир ютуқлари ёки ташвишларини яқин кишиси билан бўлишгиси келади. Уларнинг маслаҳати ва йўл-йўриқларига эҳтиёж сезади. Васий тайинланган 10 нафар вояга етмаганнинг ота-онаси билан суҳбатда шу жиҳатларни чуқурроқ тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз.

Ҳудудимизда қилинадиган ишлар ҳали кўп. Биринчи навбатда, 13 та камбағал сифатида рўйхатга киритилган оила билан тизимли тадбирлар олиб борилмоқда. Бириктирилган масъул ходимлар кимга қандай ёрдам кўрсатиш кераклигини шакллантиряпти. Боқимандаликка берилганларни касб ўрганишга, ишлашга жалб қиляпмиз. Ҳақиқатан шароити оғирлар бўйича алоҳида режалар ишлаб чиқиляпти.

Одамларга ёрдам бериш "маҳалла еттилиги" ходимларидан билим, малака ва тажриба талаб қилади. Шу мақсадда тинимсиз равишда ўқиш ва изланишдамиз.





Бокс бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасининг 10 нафар вакили ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА олди.



Қаршининг “НАСАФ” жамоаси ўз тарихида биринчи марта Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди.



Тошкентнинг “ҲУМО“ хоккей клуби Қарағанданинг “Сариарка“ жамоасини 5:1 ҳисобида мағлуб этди.

БИР НАЗАР

ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА ТЎХТАШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ!

“Соктари” маҳалласи ёшлар етакчиси бир неча йил чет элда мигрант сифатида меҳнат қилган Қодиржон Болтаевга маҳалламизда ишлаб, ўз даромадига эга бўлиши учун хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этишида кўмаклашди. Фаолиятини йўлга қўйиб олишида керак бўладиган маблағ имтиёзли кредит сифатида ажратилди. Шу орқали 2 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.



Зикрулло ФУЗАЙЛОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Ғиждувон тумани бўлими бошлиғи.

“Саидкент” маҳалласида яшовчи Дилором Аҳмедова маҳалла раиси Нигора Қиёмованинг олиб борган тарғиботи натижасида миграциядан қайтиб келди. Фуқарога оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиши учун 26 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Айни вақтда яқинлари билан бирга астойдил меҳнат қилмоқда.

“Маҳалла еттилиги” ходимлари ташқи миграцияда юрган фуқароларнинг хонадонида бўлиб, уларнинг қариндошлари билан мунтазам равишда суҳбатлар ўтказиб келмоқда. Чиқарилаётган янги фармон ва қарорлар, яратилган шарт- шароитлар ҳақида батафсил маълумот берилмоқда. Мавжуд бўш иш ўринлари, инвестиция лойиҳалари ҳамда бандлик дастурлари асосида яратилаётган иш ўринлари билан таништириш натижасида чет элга кетган 7 минг 947 нафар фуқаронинг 1 минг 235 нафарини юртимизга қайтаришга эришдик.

Бундан ташқари, мигрантларнинг 2 минг 731 нафари 1000 АҚШ долларидан юқори, 2 минг 550 нафари 800-1000 АҚШ доллари, 2 минг 430 нафари 500-800 АҚШ долларигача даромад топаётгани аниқланди. 500 АҚШ доллардан кам топаётган, оғир аҳволга тушиб қолган 25 нафар фуқаро Ватанга қайтарилиб, 12 нафарига имтиёзли кредит маблағлари ҳамда 13 нафарига томорқа ерлари ажратилиб, бандлиги таъминланди.

“Гулистонобод” маҳалласи раиси Илҳом Қосимов бошчилигида 11 нафар миграциядан қайтганларнинг 5 нафарига оилавий тадбиркорлик учун 33 миллион сўмдан имтиёзли кредит олишида ёрдам кўрсатилди. Тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди ва 6 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди.

Президентнинг “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, “Соктари” маҳалласининг “Ёшлар дафтари”да турган, миграциядан қайтган ва ишсиз ёшларнинг 26 нафарига сувга қулай, унумдор ҳамда аҳолига яқин жойлардан ер майдонлари ажратилди.

“Ўзанон” маҳалласи раиси Дилрабо Қодирова маҳаллада истиқомат қилган мигрант Мансур Шомиров билан мулоқоти давомида кам даромад топаётгани аниқланди ва юртимизга қайтишга кўндирилди. Ғайрат Хўжаев тадбиркорлик қилиш учун 20 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ва Элдор Бафоевга 10 сотих ер майдонида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириши учун шароит яратиб берилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳар куни оиласи бағрига қайтаётган, юрт ривожи учун ўз ҳиссасини қўшиш истагидаги фуқаролар сони ортиб бормоқда. Умид билан ортига қайтаётганларга муносиб шароит яратиб бериш, бандлигини таъминлаш масаласига масъулият билан ёндашилмоқда.

Туманда “Камбағалликдан фаровонлик сари” лойиҳаси асосида камбағал оилаларни оғир ҳолатдан чиқариш, оила даромадини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, “Гулистонобод” маҳалласида истиқомат қиладиган Жумагул Тоғаеванинг оиласи камбағал сифатида рўйхатга олинган эди. Ўрганиш ва суҳбатлар натижасида унинг чеварчиликдан хабари борлиги маълум бўлди. Унга субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Ҳозир буюртмалар қабул қилишни бошлаб юборган.

Кам таъминланган оилаларнинг 20 нафар ишсиз вакилини тикувчилик йўналишида доимий даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида “Ортиқ Дилнавоз” масъулияти чекланган жамиятига Бандлик жамғармаси маблағларидан 300 миллион сўм субсидия ажратилди. Яна 5 та оилага мазкур жамғарма ҳисобидан субсидия асосида асбоб-ускуна ва жиҳозлар олиб берилди.

Фикр ва ёндашувлар турлича бўлиши мумкин. Ҳар ким ишни турли режа асосида ташкил этади. Лекин барчамизнинг мақсадимиз битта — халқнинг тинч ва фаровон турмуш кечириши. Бунинг учун бир он бўлсин, тўхтаб қолаётганимиз йўқ. Доимий изланиш ва ҳаракат билан зиммамиздаги масъулиятни адо этяпмиз.



машғулотларини тасдиқланган режа асосида қоғозда эмас, амалда ўтказиш лозим. Ўқув курсларига нафақат ФҲДЁ бўлими мудири, балки туман *(шаҳар)* оила ва хотин-қизлар бўлими вакили, диний уламолар, психолог, аҳил ва намунали хонадон бошчиси бўлган отахон-онахонлар таклиф этилиши айни муддао бўлар эди. Улар ёшларга жамиятда ўзини тутиш маданияти, ота-она, яқинларни эъзозлаш, қийинчиликларни сабр--бардош билан енгиб ўтиш кераклиги ҳақида сабоқ беради. Айниқса, кекса нуронийларнинг ҳаётий тажриба ҳамда мисоллари тўғри хулоса чиқаришга туртки бўлади.

Жорий йил бошидан буён никоҳдан ўтиш учун ариза берганларнинг рўйхатини шакллантириб, ўз вақтида улар билан ўқув курслари ўтказдик. “Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида оила мустаҳкамлигини таъминлашга оид қатор суҳбатлар ташкил этилди. Очиқ мулоқот шаклида ўтган машғулотлар вақтида бўлажак келин-куёвлар иштирок этиб, ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Ёшлар ўзбекона урф-одат, оилани муқаддас деб билиш анъанаси ҳақида эшитган гапларидан ғоят таъсирланганини эътироф этишни истардим. Бу ўгитлар кейинги ҳаёт йўлларида уларга асқатишига ишончимиз комил.

“Отанг маҳалла, онанг маҳалла”, деган ўзбекона ибора бекорга айтилмаган. Бир ёқадан бош чиқариб амалга оширилган ҳар қандай тадбир вақти-соати билан ўз самарасини беради. Шу маънода жорий йилнинг ўтган 10 ойида “Ёш келин куёвлар мактаби” ўқув курсларининг бирорта дарсини қолдирмай қатнашган, сертификат олганларнинг барчаси бахтли ҳаёт кечирмоқда. Натижаларни янада кенгроқ таҳлил қиладиган бўлсак, кейинги 3 йилда ўқув курсларида тўлиқ иштирок этганлар орасида ажрашганлар умуман йўқ.

Кўриниб турибдики, ёшларни келажак ҳаётга тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар секин-аста самарасини кўрсатмоқда. Ҳар бир соҳанинг ўқиб-ўрганиш керак бўлган жиҳатлари бўлганидек, оила илмини ҳам чуқур эгаллаш талаб этилади.

Маҳаллада биргина оилавий ажралишларга барҳам бериш билан қанчадан-қанча муаммоларга нуқта қўйган бўламиз. Айниқса, аёлларнинг фарзанд тарбиясида ёлғизланиб қолиши, болаларнинг яқинлари меҳридан бебаҳра улғайиши ҳамда ўксик қалблар сонини кескин камайтириши аниқ. Шу мақсад сари илдам одимлашдан сира тўхтамаймиз.

ЖАЗО МУҚАРРАР

Кўпхотинлик тарғиботи жазоланади

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 47–8 ҳамда 189–2 моддалари билан тўлдирилганди.

Олий суд матбуот хизматининг хабар беришича, ўтган бир йил мобайнида мазкур моддаларга кўра, икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшашни тарғиб қилган 14 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 13 нафарига маъмурий жарима, 1 нафарига маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган.

Шунингдек, жинс бўйича камситишни тарғиб қилган 7 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларга нисбатан маъмурий жарима жазоси қўлланилган.

Эслатиб ўтамиз, икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшашни тарғиб қилиш — БҲМнинг 15 бараваридан 30 бараваригача, жинс бўйича камситишни тарғиб қилиш — БҲМнинг 10 бараваридан 20 бараваригача жаримага сабаб бўлади.

САЛОМАТЛИК

ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИЛМАСА, ЗАҲАРЛАНИШ ЭҲТИМОЛИ ОРТАДИ

Ботулизм — озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланишлар ичида энг оғир кечадиган хасталиклардан бири. Айниқса, уй шароитида тайёрланган қўлбола консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш туфайли аҳоли орасида ундан зарарланиш кўп учрайди.



Бунга сабаб уй шароитида етарли босимда термик ишлов бериш имконияти мавжуд эмаслигидир. Натижада ботулизм қўзғатувчи споралар сақланиб қолади ва улар кислородсиз муҳитда ривожланиб, ўта кучли — ботулинотоксин заҳрини ҳосил қилади.

Ботулизм қўзғатувчилари ташқи муҳитга ўта чидамли бўлиб, 100°С даражада 6 соат, 120°С да эса 10 дақиқагача тирик бўлади.

Ўзида бундай зарарли моддани сақловчи консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида турли салбий оқибатлар, ҳатто ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаганда ўлимга олиб келувчи энг оғир турдаги заҳарланиш — ботулизм касаллиги келиб чиқади.

Хасталикнинг яширин даври 2-4 соатдан 14 кунгача давом этиши мумкин. Ботулизм микробининг токсини, асосан, марказий асаб тизимига таъсир этади ва организмда турли ўзгаришларга олиб келади.

Бу ҳолатда кўпинча нафас олиш қийинлашиши, оғиз-томоқнинг қуриши, жисмлар кўзга иккита бўлиб кўриниши (диплопия), кўз қовоқлари осилиб қолиши (птоз), ютиниш қийинлашиши ҳамда умумий ҳолсизланиш, кўнгил айниши ва қусиш (кўпинча такрорланади), қорин соҳасидаги оғриқ каби белгилар намоён бўлади.

Шу сабабли хасталикнинг олдини олиш учун уй шароитида консерва маҳсулотлари тайёрламаслик тавсия этилади. Бозор ва аҳоли гавжум жойларда сотилаётган сифати кафолатланмаган консерваларни харид қилмаслик керак. Идиш қопқоғи кўтарилган (бомбаж), шунингдек рангида ўзгариш бўлган консерваларни истеъмол қилмаслик зарур.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шароитларига эътибор бериш, савдо дўконларидан консерваларни харид қилишда унинг муддати, идишларнинг бутунлиги, қопқоқлари шишмаганлиги ва хавфсизлигини кафолатловчи ҳужжатларига эътибор беринг. Таом тайёрлашда тозаликка ва шахсий гигиена қоидаларига тўлиқ риоя этинг.

Анвар ШУКУРОВ,
Санитария-эпидемиология қўмитаси бўлим бошлиғи.

МАНЗАРА

Ажралишни бирлашиб, бартараф этиш мумкин

Статистик маълумотларга кўра, жорий йилнинг 9 ойи давомида 34 минг 57 та оилавий ажралиш қайд этилган. Бу кўрсаткич 2023 йилнинг шу даврига нисбатан (37 минг 929 та) 11 фоиз (3 минг 872 та)га камайган.

Муҳайё ҒОФУРОВА,
Хўжаобод туманидаги “Бешкарам” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.



Ажралиш – жамиятнинг энг оғриқли масаласи. Бу борада йиллар давомида сўз юритилмоқда. Таҳлиллар ва муҳокамаларга қарамай, кўрсаткичларни камайтириш қийин кечяпти. Лекин ҳар ишда тизимли ва аниқ мақсад билан ҳаракат қилинса, албатта, ўзгаришлар кутилганидек бўлади. Тўғри, турли феъл-атвордаги инсонлар билан ишлаш, баъзан бир-бирини эшитишни истамаган кишиларни муросага келтириш осон бўлмас балки. Шу боис муаммони у юзага келгунга қадар олдини олган маъқул.

Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрда қабул қилинган тегишли қарори билан йўлга қўйилган “Ёш келин-куёвлар мактаби” жорий йилнинг ўтган 10 ойида “Ёш келин куёвлар мактаби” ўқув курсларининг бирорта дарсини қолдирмай қатнашган, сертификат олганларнинг барчаси бахтли ҳаёт кечирмоқда. Натижаларни янада кенгроқ таҳлил қиладиган бўлсак, кейинги 3 йилда ўқув курсларида тўлиқ иштирок этганлар орасида ажрашганлар умуман йўқ.

Кўриниб турибдики, ёшларни келажак ҳаётга тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар секин-аста самарасини кўрсатмоқда. Ҳар бир соҳанинг ўқиб-ўрганиш керак бўлган жиҳатлари бўлганидек, оила илмини ҳам чуқур эгаллаш талаб этилади.

Маҳаллада биргина оилавий ажралишларга барҳам бериш билан қанчадан-қанча муаммоларга нуқта қўйган бўламиз. Айниқса, аёлларнинг фарзанд тарбиясида ёлғизланиб қолиши, болаларнинг яқинлари меҳридан бебаҳра улғайиши ҳамда ўксик қалблар сонини кескин камайтириши аниқ. Шу мақсад сари илдам одимлашдан сира тўхтамаймиз.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 640 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1020

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.